

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI PREZIDENTINING
ҚАРОРИ**418 «Ўзбекгидроэнерго» акциядорлик жамияти фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 майдаги «Ўзбекгидроэнерго» акциядорлик жамиятини ташкил этиш тўғрисида» ПФ-5044-сонли Фармони ижросини таъминлаш ва «Ўзбекгидроэнерго» акциядорлик жамияти фаолиятини самарали ташкил этиш мақсадида:

1. «Ўзбекгидроэнерго» АЖнинг ташкилий тузилмаси ва бошқарув ходимлари чекланган сони 58 нафардан иборат ижро аппарати тузилмаси 1- ва 2-иловаларга* мувофиқ маъқуллансин.

«Ўзбекгидроэнерго» АЖнинг Кузатув кенгаши билан келишилган ҳолда, «Ўзбекгидроэнерго» АЖ раисига ходимларнинг белгиланган штат сони доирасида «Ўзбекгидроэнерго» АЖ ижро аппарати тузилмасига, зарур ҳолларда ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

2. Белгилансинки:

акциядорлар жамиятининг умумий мажлисида сайланган «Ўзбекгидроэнерго» АЖ бошқарув раиси ва унинг ўринбосарлари, лавозимга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқландилар ҳамда тегишли равишда вазир ва вазир ўринбосарлари мақомига тенглаштирилади;

«Ўзбекгидроэнерго» АЖнинг молиялаштириш манбалари этиб, хўжалик фаолиятдан тушадиган даромадлар, акциялар дивидендлари ҳамда хўжалик жамиятларининг устав капитали иштирокидан тушадиган даромадлари, халқаро молия институтларининг грантлари, шунингдек, қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобланади.

3. «Ўзбекгидроэнерго» АЖ таркибида Кузатув кенгаши 3-иловага* мувофиқ ташкил этилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси «Ўзбекгидроэнерго» АЖ устав капиталини белгиланган тартибда шакллантириш ва таъсис ҳужжатларини тасдиқлашни таъминласин.

5. «Ўзбекгидроэнерго» АЖ эмиссион қимматбаҳо қоғозларини чиқаришни давлат рўйхатидан ўтказиш йиғими ва қимматбаҳо қоғозларни чиқариш тўғрисидаги ҳужжатларни кўриб чиқишга тўланадиган йиғимидан озод этилсин.

6. «Ўзбекгидроэнерго» АЖга:

инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда республикамизда ва хорижда, шу жумладан, хорижнинг етакчи инжиниринг, консалтинг ва қурилиш компаниялари билан ҳамкорликда консорциумлар ва ихтисослашган шўба корхоналар ташкил этиш;

янги гидроэлектростанциялар қуриш ва фаолият кўрсатаётганларини модернизация қилишда қатнашишга хориж мутахассисларини доимий ва вақ-

* 1 — 3-иловалар рус тилидаги матнда берилган.

тинчалик асосда жалб этиш, уларнинг фаолиятига тўланадиган ҳақни шартнома асосида эркин конвертация қилинган валютада тўлашга рухсат берилсин.

7. Қуйидагилар:

«Ўзбекгидроэнерго» АЖнинг инвестиция лойиҳалари бўйича лойиҳа олди ва лойиҳа хужжатларини ишлаб чиқиш бўйича «Гидролойиҳа» АЖ бош лойиҳа ташкилоти;

халқаро молия ташкилотлари ва донор-мамлакатлар тартибларига мувофиқ амалга оширилаётган лойиҳалар бундан мустасно бўлган ҳолда, «Ўзбекгидроэнерго» АЖ объектларини қуриш ва модернизация қилиш бўйича «ТўполангсувГЭСқурилиш» МЧЖга бош лойиҳа ташкилоти вазифаси юклансин.

8. «Гидролойиҳа» АЖга «Ўзбекгидроэнерго» АЖ билан келишган ҳолда, инвестиция лойиҳалари доирасида лойиҳа олди ва лойиҳа хужжатларини ишлаб чиқишга, ишларини мувофиқлаштиришни амалга оширган ҳолда, гидроэнергетика объектларини қуриш ва модернизация қилиш доирасида пудратчилар сифатида энг яхши маҳаллий ва хорижий ихтисослаштирилган лойиҳа ҳамда инжиниринг компанияларини, шунингдек, етакчи мутахассис ва экспертларни жалб этиш ҳуқуқи берилсин.

9. «Ўзбекгидроэнерго» АЖга гидроэнергетика соҳасида идоравий бўйсунувидан қатъи назар, олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар маълумотига эга малакали кадрларга бўлган эҳтиёжни аниқлашда ҳамда уларни республика-мизнинг олий таълим муассасаларида ва касб-ҳунар коллежларида тайёрлашни ташкил қилиш бўйича масъул орган вазифаси юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги, «Ўзбекгидроэнерго» АЖ ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда:

икки ой муддатда янгиланган «Хизматчиларнинг асосий лавозимлари ва ишчиларнинг касб Классификатори» асосида гидроэнергетика соҳасида малакали кадрларни тайёрлашда олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими, йўналишлари, касб ва ихтисосликлари бўйича рўйхати, уларни амалга оширадиган олий таълим муассасалари ва касб-ҳунар коллежларини аниқлаш, улар бўйича таълим стандартларини, ўқув режалари ва дастурларини замонавий талаблар ва халқаро тажрибани инобатга олган ҳолда, гидроэлектростанциялар, гидротехник ва бошқа гидроэнергетика билан боғлиқ корхоналар ва ташкилотларда ўқитиш, амалиёт ўташи ва тажриба орттириши мажбуриятини ҳисобга олган ҳолда, қайтадан танқидий кўриб чиқсин;

хар йили ихтисослашган олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари қабул квотасини шакллантиришда 2017 — 2021 йилларда гидроэнергетикани янада ривожлантириш чора-тадбирлари Дастурини ҳисобга олган ҳолда, гидроэнергетика соҳасини малакали кадрларга бўлган реал эҳтиёжи инобатга олинсин;

олий таълим муассасалари ва касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини гидроэнергетика соҳасидаги корхона ва ташкилотларга ишга жойлаштириш-

ни назорат қилишнинг таъсирчан механизмини ва раҳбарларнинг, авваламбор ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари раҳбарларининг масъулиятини кучайтиришни таъминласин.

10. «Ўзбекгидроэнерго» АЖ Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Навоий кўчаси, 22-уйнинг 5-қаватли маъмурий биносига жойлаштирилсин.

Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Молия вазирлиги, «Ўзбекгидроэнергоқурилиш» АЖ акциядорларининг «Ўзбекгидроэнергоқурилиш» АЖга тегишли кўрсатилган 5-қаватли маъмурий бинони «Ўзбекгидроэнерго» АЖнинг устав капиталига давлат улуши сифатида номинал миқдорда топшириш тўғрисидаги таклифлари қабул қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси «Ўзбекгидроэнергоқурилиш» АЖ, «Ўзбекгидроэнерго» АЖ, Тошкент шаҳри ҳокимлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бўшаётган хоналар ижарачилари билан шартнома муносабатларини қонунчилик тартибида ҳал этган ҳолда 5-қаватли маъмурий бинони «Ўзбекгидроэнерго» АЖга топшириш билан боғлиқ бўлган барча комплекс масалаларни ҳал этишни таъминласин.

11. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги «Ўзбекгидроэнерго» АЖни белгиланган тартибда зарур бўлган телекоммуникация ва телефон алоқаси, шу жумладан, ҳукумат алоқаси билан таъминласин.

12. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, «Ўзбекэнерго» АЖ, «Ўзбекгидроэнерго» АЖ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳамда манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда:

қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин;

идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини ушбу қарордан келиб чиққан ҳолда, мувофиқлаштирсин.

13. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ф.И. Ибрагимов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — қишлоқ ва сув хўжалиги вазири З.Т. Мирзаев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2017 йил 18 май,
ПҚ-2972-сон